



ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий таширф билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда кўплаб келишувларга эришилди. Таширфнинг иккинчи куни олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди.

Хоразм вилоятида ушбу таширфга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тавонимизда Бухорони зиёрат қилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни "ота юрт", деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чекиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Урганч халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган ва унинг рафиқаси тантали кутиб олинди. Миллий қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Ийғиланлар ўзбек ва турк халқлари дўстлигини олқишлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган Хивадаги Ичан қалъага таширф буюрди.

Маълумки, икки етакчининг ҳам тарихга қизиқиши, ҳурмати баланд. Давлатимиз раҳбари Туркияга таширфи чоғида Истанбулдаги Топкапи саройини бориб кўрган эди. Режеп Таййип Эрдоган илгари юртимизга келганида Бухорони зиёрат қилган.

Бу қалъа Марказий Осиёда сақланиб қолган бирдан-бир бутун бошли шаҳар-ёдгорликдир. Унинг "очиқ осмон остидаги музей" дея эътироф этилиши шундан. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган.

Бу узун тарих давомида Хива кўплаб туркий давлатларнинг маркази бўлган. У 2020 йилда Туркой халқаро ташкилоти томонидан Турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг бу

қадимий шаҳарга таширфи катта маънога эга.

Меҳмонлар Ичан қалъадаги Ота дарвоза, Кўк минора, Кўҳна арк саройи ва мадрасалар, хунармандлик расталарини кўздан кечирди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума масжиди зиёрат қилинди.

Давлат раҳбарлари хунармандлар, сайёҳлар билан самимий суҳбатлашди.

Хоразмча қўшиқ ва рақслар ижроси барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

Хиванинг давлатчилик ва илм-фан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоганнинг мамлакатимизга расмий таширфи якунига етди.

Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ШАҲАРЧАСИ ИЛМ ВА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ БЎЛАДИ

Туркия Президентининг юртимизга таширфи якунланганидан сўнг, давлатимиз раҳбари Хоразмда режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда катта кўламда қурилишлар бўлмоқда. Андижон, Наманган, Нукус ва бошқа шаҳарларда янги шаҳарчалар барпо этилмоқда.

Шу тажриба асосида, Президентимиз ташаббуси билан Урганчда Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун аэропорт яқинидан 110 гектар ер ажратилган.

Жорий йил 7 февраль куни ўтказилган

тақдиротда шаҳарчанинг умумий концепцияси тасдиқланган эди. Бу гал ундаги ҳар бир иншоотнинг ички мазмуни муҳокама қилинди.

Лойиҳага кўра, бу ерда университет, IT парк, уйлар, мактаб ва боғча, маданият ва спорт мажмуалари барпо этилади. Шаҳарча марказида Муҳаммад ал-Хоразмий сайилгоҳи бўлиб, буюк алломанинг янги ҳайкали ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини бошқариш бўйича комиссия тузишга кўрсатма берди.

— Бу ер шаҳар ичидаги шаҳар бўлади. Университет, инновацион марказ ва мактаблар илм ва таълим кластерини ташкил этади. Ушбу шаҳарчада ишловчилар учун уй-жойлар, илмга асосланган саноат зонаси ҳам бўлади. Шаҳарчани шунга муносиб қилиб, сифатли қуриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Урганчдаги Санъат музейи биносини реконструкция қилиб, кўргазма майдонини кенгайтириш, Хивадаги Кўғирчоқ театрини замонавий бинога кўчириш

ҳам мўлжалланган. Президентимиз янги бинолардан самарали фойдаланиш, уларда қўшимча хизматларни йўлга қўйиб, даромад топишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Коммунал соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириб, қўйи тизимда самарали ишлатиш вазифаси қўйилди.

Тақдиротдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентга қайтиб келди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

БИЗНИ БУЮК ТАРИХ, ЧАНҚОҚ МЕҲР БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИ



— 30 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Ўзбекистонга келганимизга 5 йилдан ошди. Ота юртимизнинг кўп ҳудудларида ишлаб, тажриба ортирдик. Махсулотларни экспорт қилишга ҳам эришдик.

Ўзбек пахтаси тўқимачилик соҳаси учун энг керакли хомашё. Мен каби кўплаб тадбиркорларни бу тафтли юртнинг айнан пахтаси қизиқтиради, десам муболага эмас. Сифатли пахта толасидан энг яхши трикотаж махсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Асосий мақсадимиз — ҳамкорликда ишлаб, тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш ва уни асосан

экспорт қилиш. Бу борада йўлимиз очик. Ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Биз ишлаб чиқараётган махсулотларнинг 99 фоизи шу ернинг ўзида тайёрланади. Пахта толаси том маънода мато ҳолига келиб, тайёр кийимга, уст-бошга айлангунга қадар ҳамма босқични ўзимиз бажаряпмиз.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Тилимизда маъмур, маъмурчилик, маъмуриятчилик деган сўзлар бор. Улар бошқарув, етакчи, йўл кўрсатувчи, фаровон ҳаёт кечирувчи каби маъноларни англатади. Бу ҳақда гап борар экан, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг деҳқонлар заҳматиини улуғлаб айтган "Олам маъмурилиги алардин", деган сўзлари ёдга келади. Яна шундай эл маъмуриликка хизмат қилувчи касб эгалари ҳам борки, улар ҳар қандай замонда давлат хазинаси ва халқ фаровонлигини таъминлашга камарбаста бўлиб келган, бу азалий анъана ҳозирги даврда ҳам янгича мазмун ва тартиб-тамоийлда давом этмоқда.

МУТЛАҚО ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

Президентимиз шу йил 16 март куни Давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган учрашувда соҳадаги ўзгаришларни алоҳида эътироф этиб: "Бугунги солиқчилар 4 йил олдинги солиқчилар эмас. Замон ҳам ўзгарди, булар ҳам ўзгарди: 5 йилда биз мутлақо янги солиқ тизимини яратдик", деди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Шерзод КУДБИЕВ** билан суҳбатимиз ҳам кейинги йилларда тизимда рўй берган янгиланишлар моҳияти ва уларнинг солиқ маъмуричилигини таъминлашдаги аҳамияти хусусидаги савол билан бошланди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН

*На сўйласам оздир, эй дўст, Ўзбекистон учун,
Тарих ва ҳузур иқлимидир жисму жон учун.*

*Замон ичра замон оқар, замон ичра замон,
Очилур эшиклар бир-бир — таййи замон¹ учун.*

*Буюк руҳлар маҳшари — Самарқанд самолари,
Шоҳизиндадан юксалгил олами сайрон² учун.*

*Бу ердан юксалмишдир маданият қўёши,
Нур бўлмишдир ҳар доим жаҳон осмони учун.*

*Неча пирлар, жаҳонгирлар ётар тупроғида,
Жон бериб, жон олмишлар бу қутлуг Ватан учун.*

*Амир Темур, Жалолiddин каби мисоллар бор,
Шер билакли, шер юракли марду майдон учун.*

*Муҳаддислар, муфассирлар, алломалар юрти бу,
Муборакдир бу тупроқлар аҳли иймон учун.*

*Титраган қалблар кўрдим Нақшбанднинг боғида,
Ёш олган кўзлар кўрдим расули зишон³ чун.*

*Бухорий масжидида намозга қалқ, азизим,
Хушу⁴ топмоқ истасанг, саждаи Раҳмон учун.*

*Сеҳрлидир ёмғир, минг йиллик нашида айтар қор,
Қўёш ҳам фарқли чиқар Қорақалпоғистон учун.*

*Сўзлашдим юлдузлар-ла, Сурайёдадир руҳим,
Халққа кирди фалаклар зикри даврон учун.*

*“Эртақ айтиб беринг”, деди фарзандим бир кун,
Хивани афзал кўрдим — афсона ва достон учун.*

*Замон тўхтар саҳрода, Водий узра оқар ичимга,
Мангулик бўлоғидир содиқ ошиқлар учун.*

*Бундай диёр кўрмадим умрим давомида мен,
Кўриб достонин ёздим аҳбоб ва ёрон учун.*

Усмон МАСТОН,
Туркия Буюк Миллат мажлисидаги “Туркия — Ўзбекистон” парламентларо дўстлиқ гуруҳи раиси

¹ Таййи замон — тасаввуфда "баракали вақт" мазмунидаги истилоҳ.

² Сайрон — сайр қилиш.

³ Расули зишон — буюк шараф соҳиб — пайгамбар.

⁴ Хушу — ибодатларда сокинлик ва тавозе ҳолати.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

БИЗНИ БУЮК ТАРИХ, ЧАНҚОҚ МЕҲР БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИ

▶ Бошланиши 1-бетда



**Фотиҳ КҮЧАК,
тадбиркор:**

Биз энди жараёнларни бир жойда жамлаш ва ҳаммасини ўзимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида қўшма корхона ташкил этмоқчимиз. Яъни ип йигириш, бўяш, мато ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотга турли безак ва муҳрлар босишни ўзимиз қилмоқчимиз. Ёрлиқ ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилади. Бу ҳам вақтни, ҳам нақдни тежайди. Шу тарика ягона бренд асосида Европа давлатларига чиқиш имкониятига эга бўламиз.

Нажи ЭРДЕНАНАР, Самарқанд шаҳридаги “SAM SUNI DERI” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси муҳандис-технологи:

— Илк марта Ўзбекистонга келганимизда, биз бу ишни эгпай оламизми, йўқми, деган савол, шу билан бирга, бироз ҳадик бор эди. Бироқ Ўзбекистон давлати ҳамда ўзбек биродарларимиз бизга яқиндан кўмак берди. Дастлаб 20 хил маҳсулот тайёрлаган бўлсак, бугун уларнинг тури 1300 га етди. Корхонамизнинг ярим тайёр маҳсулотлари мамлакатдаги турдош корхоналарга ҳам етказиб берилмоқда. Ички бозордан ташқари, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон,

Тожикистон каби қўшни давлатларга экспорт қиляпмиз.

Иш бошлаган кезларимиз хомашёни четдан олиб келардик. Бугун эса 50 фоиз хомашё ўзимиздан чиқаяпти. Шунинг учун таннарх арзонлашган, маҳсулотларимиз ҳамёнбоп. 50 га яқин одам иш билан таъминланган. Баъзан икки сменада ишлашга тўри келади. Корхонада ҳодимларимиз учун шароитлар яратилган. Уларнинг ишга келиб-кейтиши учун махсус транспорт қўйганмиз. Бепул тушлик берилади.



Фаолиятимизда бирор муаммо пайдо бўлса, ўзимизнинг мамлакатимиздаги каби керакли идораларга телефон қиламиз. Мутасаддилар бир кундан сўнг эмас, 3-4 соатда етиб келиб, “Нима муаммо бор?” деб сўрайди, оғиримизни енгил қилади. Биз бу салимий муносабат учун Ўзбекистон давлати ҳамда халқидан миннатдормиз.



**Ўғуз БЎЗТОШ,
инвестор:**

— Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифини катта қувонч ва яхши ниятлар билан кутиб олдик. Ташрифни кузатар эканмиз, халқларимиз узок йиллик танаффусдан сўнг бир-бирини жуда соғингани, барча соҳаларда алоқаларни қизгин давом эттиришга кучли иштиёқ борлигини яна бир бор ҳис этдик. Аслида

ҳам бизни буюк тарих ва чанқоқ меҳр бирлаштириб туради.

Бу Ўзбекистонда бошлаган ишимизда бизга зўр файрат бағишлади. Хоразм вилоятида 2021 йил июль ойида бошлаган лойиҳамизнинг биринчи босқичини куни кеча якунладик. Мазкур газ поршинли электр станцияси қуриш лойиҳаси уч босқичдан иборат. Бу билан 36,5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариб, Ўзбекистоннинг ягона электр тармоғига қувват қўшишни бошладик. Биз қисқа вақт ичида лойиҳанинг иккинчи босқичини якунлаб, тизимга умумий қуввати 73 мегаватт электр энергияси бериш режамизни амалга оширамиз. Жорий йилнинг ёзигача барча ишларни якунлаб, 174 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариб, Ўзбекистон халқига етказиб берамиз.

7 гектарда амалга оширилаётган бу лойиҳа қиймати 105 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа тўлиқ ишга туширилса, кўплаб янги иш ўрни яратилади. Бу ишга бош-қош бўлган, бизга шароит яратиб берган Ўзбекистон Президентига ўз миннатдорлигини билдирамиз.



Туркиядан келганимизда ёлғиз эдик. Йўл қўрсатувчи йўқ эди. Бироқ бизга қўрсатилган кўмак, яратилган шароит туфайли фаолиятимизни йўлга қўя олдик.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 26 февраль куни қарор чиқарди. Унга қўра, солиқ ва бошқа имтиёзлар ўзайтирилди. Президент бу қарори билан

биз каби тадбиркорларга куч, кўмак берди.

Ўзбек халқи бизни туғишган жигари каби ўзига яқин олади, уйдан, кўнглидан жой беради. Аслида ҳам мамлакатларимиз қадимдан дўст ҳамда қардош. Қардошлик туфайли ўзбек халқининг ёрдами билан биз жаҳоннинг йирик бозорларига чиқишга интиляпмиз.

Айтишим лозимки, фаолиятимизда бирор муаммо пайдо бўлса, ўзимизнинг мамлакатимиздаги каби керакли идораларга телефон қиламиз. Мутасаддилар бир кундан сўнг эмас, 3-4 соатда етиб келиб, “Нима муаммо бор?” деб сўрайди, оғиримизни енгил қилади. Биз бу салимий муносабат учун Ўзбекистон давлати ҳамда халқидан миннатдормиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Башорат ЮНУСОВА тайёрлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробар ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошганининг ўзиёқ икки давлат ҳамкорлиги жадал ривожланаётганидан далолатдир. 2016 йилда мамлакатимизда туркиялик инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони 400 га яқин бўлган бўлса, айтиш пайтга келиб улар сони 2 мингдан зиёд. Юртимизга инвестиция оқими ҳам сезиларли даражада кучайди. Жумладан, 2016 йилда Ўзбекистонга киритилган инвестиция 16,6 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич айтиш пайтга келиб 70 баробар ўсди.

Қуйида мамлакатимизда фаолият юритаётган туркиялик инвестор фикри билан танишасиз.

ЙИЛИГА 5 МИЛЛИОН ТУП КЎЧАТ

Ойдин ЛОЛ:

— Ўзбекистонда кейинги йилларда яшил оламни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг олдида денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш, барча жойларда дархат экиш бўйича турли акциялар ўтказилётгани мисолида қўриш мумкин.

Албатта, бу борада богдорчилик йўналиши алоҳида урин эгаллайди. Биз ҳам юртингиз богдорчилиги ривожига ҳисса қўшишга қарор қилдик. Хоразм вилояти Урганч туманида IN VITRO лабораторияси ташкил этишга киришдик.

Бизга маълум бўлишича, Хоразм вилоятида 11 минг гектар бог бор, жорий йил яна 2,5 минг гектар интенсив бог барпо этилиши режалаштирилган. Бунинг учун арзон ва сифатли, энг муҳими, ҳудуд иқлимига мос дархат кўчатлари зарур. Лабораториямиз ана шу эҳтиёжни қоплашга хизмат қилади.

Яқинда лойиҳамизнинг биринчи босқичи иш бошлади. 8 ойда лаборатория қўрдик. Лаборатория шароитида ҳужайралардан пайвандтаг олинади. Бир неча босқичдаги ушбу жараён ҳудуд иқлимига мос турли янги ва сифатли кўчатлар етиштириш имконини беради. Шунингдек, бу ерда маҳаллий гуҳум дарахтини IN VITRO усулида қўпайтириш тажрибаси ўтказилмапти. Шу пайтгача интенсив ва яриминтенсив боғлар учун

кўчат чет элдан импорт қилинган бўлса, энди шу ерда тайёрланапти.

2 ой давомида малакали мутахассисларимиз маҳаллий ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб, соҳа бўйича тажриба алмашди. Лойиҳа доирасидаги ишларимиз давом этмоқда. Хусусан, йилига 5 миллион туپ кўчат етиштириш имкониятимиз бор. Шунингдек, кўчат экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади.

Бу турдаги лабораторияларнинг фойдаси шундаки, биринчидан, четдан келтирилаётган кўчатлар билан турли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олди олинса, иккинчидан, маҳаллий лабораторияда етиштирилган кўчатлар хорижликка нисбатан бир неча баробар арзон бўлади. Бунинг биринчи лойиҳа тўлиқ иш бошлашга, йилига 4 миллион долларлик маҳсулот маҳаллийлаштирилиши мисолида ҳам қўриш мумкин.

Умуман олганда, юртингизда инвесторлар учун қўлай шароит яратиш, инвестицион жозибадорлиқни ошириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бунга мисолдир. Мухими, бу каби ташаббус, амалий ҳаракатлар мамлакатимизда инвестицион салоҳиятини ҳақиқатан ҳам сезиларли даражада оширади. Бу эса янгидан-янги корхоналар, муқим иш ўринлари, даромад ва, албатта, халқ фаровонлиги демакдир.



2 ой давомида малакали мутахассисларимиз маҳаллий ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб, соҳа бўйича тажриба алмашди. Лойиҳа доирасидаги ишларимиз давом этмоқда. Хусусан, йилига 5 миллион туپ кўчат етиштириш имкониятимиз бор. Шунингдек, кўчат экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИЛМ ВА МЕҲНАТ МАҚСАДГА ЭЛТАДИ

Бугун дунё амалиёти фақат таълим бериш билангина инсон капитални ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Талабаларни ўқиш жараёнида кун сайин ўзгараётган соҳалар ва ёндашувлар билан таништириб бериш, ишлаб чиқариш амалиётига бевосита жалб этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу йигит-қизларнинг моддий эҳтиёжини таъминлаш билан бирга таълим йўналиши доирасида ишлаб, тажриба ортириши, жамиятда ўзига хос мавқени эгаллаши ва мақсадига эришишида ҳам пиллапоё вазифасини ўтайди.

Шу йил 4 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида сифатли таълим бериш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, хусусан, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда талабаларнинг барча давлат ташкилотлари ва муассасаларида ишлашга руҳсат берилди.

Ушбу вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида юртимиздаги олий ўқув юртларида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Йигит-қизларнинг сифатли таълим олиш баробарида ишлаши учун ҳам қўлай шароит яратилмоқда.

Йигит кишига касб ҳам, хунар ҳам керак!

Самарқанднинг Галаосиё нонларини бутун дунё билди. У кўҳна шаҳарнинг бренд даражасидаги маҳсулоти. Самарқанд ветеринария медицинаси институтини талабаси Нурали Эргашев новвойлик билан шуғулланиб, ота касбини маромига етказётган ёшлардан.

— Болалигимдан шу касб эгалари орасида ўсиб улгайдим. Ҳозир институтнинг биотехнология, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси факультетида давлат гранти асосида ўқийман. Стипендия оламани. Шундай бўлса-да, турмуш шароити яхшиланиши учун инсон қўшимча даромад манбаига эга бўлиши керак, деб

ҳисоблайман, — дейди интилувчан талаба. — Шунинг учун шанба-яшанба кунлари новвойхонада ишлайман, нон ҳам ёпаман. Шаҳримизнинг Сўғдиёна массиви ва Тайлоқ тумани марказида новвойхонамиз бор. У ерда икки кун ишлаб, бир ойлик стипендияга тенг пул топаман. Халқимизнинг нонга талаби юқори, дастурхонимизда унинг ўрнини ҳеч бир маҳсулот боса олмайдди. Демак, ишимиз тўхтаб қолмайдди. Кези келганда айтиш мумкинки, биотехнология ўта замонавий, долзарб ва керакли соҳа. Биология ва техника имкониятларини бирлаштирадиган илмий йўналиш. Унинг ёрдамида мавжудотнинг фойдали хоссага эга микроб штаммлари, ҳужайралари, ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш мумкин. Демак, биотехнология жуда юқори иқтисодий самарани кафолатлайди. Келгусида магистратура босқичида ҳам ўқийман, ўз соҳамдан келиб чиқиб, новвойлик фаолиятимни ҳам кенгайтираман. Сифатли, фойдали ва саломатлиқ учун зарур моддаларга бой нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараман. Касбим хўнаримни бойитади, хунарим эса касбимга фойда беради.

Талаба, гулчи, мураббий

Гулчилик ажойиб машғулот. Шу билан бирга, даромад манбаи. Бу фаолият янги тадбиркор учун қўлай бизнес йўналиши бўлиши рости. Бунинг ангорлик ёш тадбиркор Сабрина Баходирова



ва мисолида қўриш мумкин. 20 ёшни қаршилаган тадбиркор Термиз давлат университетининг тарих факультетида ўқийди.

— Университет ҳудудида ҳар бири 3 сотихли тўртта иссиқхона бор. Дарсдан бўш пайтимида гулчилик билан шуғулланаман, — дейди Сабрина. — Иссиқхоналарда петуния, гулбеор, атиргул, карантус, император, кактус каби 16 дан зиёд турдаги гул парваришланади. Уруғ селиб қўйган билан гул қўқариб чиқмайди. Яхши униб ўсиши учун тер тўкиб меҳнат қилиш ҳам керак. Шу боис, ифтимой фанлар ҳамда педагогика факультетларида ўқийдиган гулсевар ва меҳнатсевар 4 талабани ишга олдик. Ҳозир бирга меҳнат қилиб, ҳар ойда 7 миллион сўмгача даромад топяпмиз.

Сабринанинг гулчилик соҳасида иш бошлаганига тўрт йил бўлди. Бу қизиқишига онаси сабабчи. Ёсини танибдики, уйларида турфа гуллар парваришланади. Болалигидан гулга меҳри тушгани боис, гулчилик билан шуғулланишни мақсад қилди. Ҳозир гул навиани кўпайтириш учун соҳанинг пешқадамлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Яқинда фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш ниятида Ангор туманидан 2 сотих ер олди. У ерда талабалардан ташкил

топган “Ёш тадбиркорлар” жамоаси бирга ишламоқчи.

— Бундан ташқари, бир йилдан буён фитнес клубда мураббийман. Бу ишим ҳам дарсimgа халал бермайди. Чунки машғулотлар кечки пайтда — соат 18:00 дан бошланади. Клубга юздан ортиқ аёл-қиз жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун келади. Уларнинг аксарияти уй бекалари, тикувчилар, ўқитувчилар ва талабалар, — дейди Сабрина. — Бугун аҳоли, айниқса, аёлларда кўплаб хасталиклар учрайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга сабаб аёл-қизларнинг кам ҳаракатлилиги, уй-рўзгор юмушларини бажаришда машиш техника ёрдамидан кўп фойдаланаётгани. Шунинг учун



уларга зарур бўлган жисмоний машғулотларни ўргатишга ҳаракат қиламан. Сабрина оилада тўнчқ фарзанд. Доимо зиммасида масъулият ҳиссини сезади. Синглиси ҳам у ўқийётган университетда таълим олади. Тўлов-шартнома асосида ўқигани боис, дарсдан бўш пайтлари клубда ишлайди.

— Келгусида фитнес клубимиз аъзолари сонини ошириш, фаолиятимизни

кенгайтириш, шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам филиаллар очилиши мақсад қилганмиз. Қолаверса, иссиқхонамизда етиштирилган ранг-баранг гулларни қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳамда янги иш ўринлари очилиши режалаштирганмиз. Энг муҳими, ўзим қизиққан фан — тарихдан ўқувчиларга дарс бериб, билим ва интилишим туфайли етук устоз бўлиш мақсад қилганман, — дейди Сабрина Баходирова.

Сифатли меҳнат юқори даромадга кафолатлайди

Шоҳрух Серкаев Қарши шаҳридан. У ҳам илмга чанқоқ, янгича ёндашувга интилувчан, креатив фикрлайдиган ёш

Шоҳрух Серкаев. — Ўқув маркази раҳбариман, 70 дан зиёд ўқувчим бор. Марказга 5 ёшдан 14 ёшгача болалар қабул қилинади. Машғулотлар ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлаш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ақлий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.



Ўтган йил сентябрда ментал арифметика бўйича Дубай шаҳрида ўтказилган “WAMAS-2021” халқаро мусобақасида 2 ўқувчим билан қатнашдик. Халқаро мусобақада ўқувчиларим супер чемпион бўлди, мен эса 2-ўринни эгалладим.

Шоҳрух ўқув марказидан ташқари иккита мактабда дарс беради. Айтишича, ойлик даромади умумий ҳисобда минг доллар атрофида. Қолаверса, мутахассислигидан келиб чиқиб, эътиборини таълим бошқарувиغا қаратган. Келгусида ҳусусий мактаб очилиши ният қилган. Чунки ота-оналар ҳусусий мактабга пул тўлагани учун ҳам фарзандларини ўзи олиб келиб, юқори даражада билим олишини талаб қилади. Бундай муассасаларда малакали кадрлар танлаб олиниб, шунга яраша маош тўланади.

Бугун юртимизда талабаларнинг нафақат ўқиши, балки бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иш билан таъминлаш, ҳали ўқишини битирмасдан туриб, Ватанимиз ривожига ҳисса қўлиши учун шароит ҳозирланмоқда. Бу жуда яхши. Чунки мақсади сари интилган, изланган, ишлаган талаба ҳеч кимга муҳтож бўлмайди.

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



“

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА 175 МИНГДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ТОМОНИДАН 207 МИНГТА ОНЛАЙН НКМ ВА ВИРТУАЛ КАССА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДАН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН. УЛАРДАН 65,9 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК 612,9 МИЛЛИОНТА ЧЕК ОНЛАЙН РАВИШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАМИЗГА КЕЛИБ ТУШГАН, ШУНДАН ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СУММАСИ 15,1 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



да савдо қилишни истамаса, харидор дўконда тортишиб ўтирмай, бу ҳақда “Солиқ ҳамкор” тизими орқали хабар бериши мумкин. Албатта, бунда мурожаат қанчалик асосли экани жиддий текширилади. Қоидабузарлик ҳолатлари тасдиқланган тақдирда мурожаатчи — солиқ ҳамкорга ундирилган жарима суммасининг 20 фоизи миқдориди рағбатлантирилади.

Ҳозирга қадар “Солиқ ҳамкор” интерактив тизими орқали 16 минг 447 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг 10 минг 446 тасида савдо қоидалари бузилаётгани тасдиқланган.

— Давлатимиз раҳбари билан учрашувда айрим ҳолларда тадбиркорлар янги дастур ва талабларни тушунмагани сабабли ҳам кўплаб саволлар пайдо

платформаси жорий этилган ва унда 14 та интерфаол хизмат йўлга қўйилган.

Рости, солиқ тизимида рўй бераётган ўзгаришларни тадбиркорларга тушунадиган тилда етказиш борасида, айниқса, туманларда ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Шу боис, солиқ тизимидаги барча даражадаги раҳбар ва ходимлар тадбиркорлар, аҳоли билан тез-тез



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

МУТЛАҚО ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

▶ Бошланиши 1-бетда

— Бугунги кунда юртимиз демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён ислохотларимизнинг энг катта натижаси ҳисобланади, — деди қўмита раиси. — Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар асосида солиқ соҳасида ҳам мутлақо янги — адолатли, шаффоф ва изчил тизим яратилди. Бундан қўзланган асосий мақсад — солиқлар юқини камайтириб, одамлар даромадини ошириш, пировардида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларга изчил солиқ маъмуричилигини жорий этиш орқали эришиляпти.

2019 йил 30 декабрь куни янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, 120 дан ортиқ янги қоида амалиётга киритилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақиға нисбатан солиқ юқи қарийб 2 баробар камайтирилди.

Табиийки, савол туғилади: қўрилган бундай чоралардан одамлар, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар қандай манфаат кўрапти? Таҳлилларга таяниб айтишдан бўлса, кейинги тўрт йилда солиқ тушумлари 4 баробар кўпайиб, қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингга етди.

Энг муҳими, ўзгаришларни ҳар бир фуқаро, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ҳис қиляпти. Чунки яқингача тадбиркорларга оғир юк бўлиб келган пенсия, мактаб ва йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Ана шулар ҳисобидан 7 мингга яқин қорхона ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан озод бўлди, табиийки, шунча маблағ ўзларида қоляпти.

Шунингдек, мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди. Буни аниқ мисоллар орқали ифодаладиган бўлса, транспорт соҳасида солиқ юқи — 3 баробар, озиқ-овқат саноатида — 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса 20 фоизгача камайди.

Қолаверса, солиқ юқининг тенг тақсимланиши ва пасайиши натижасида фойда солиғи тўловчилари 15,2, сув солиғи тўловчилари 36,5 ва ер солиғи тўловчилари 38 баробар кўпайди. Умумлаштирадиган бўлса, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёр бажариш даражаси 80 фоиздан 95 фоизга кўтарилди. Йиғилаётган солиқ миқдори 2020 йилнинг охириги чорагидан бошлаб ҳар ойда 10 триллион сўмдан ошмоқда. Ўзбекистон солиқ тизимида шу пайтгача бундай натижа кузатилмаган.

— Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси маъмурий биноси томига минглаб қуёш панеллари ўрнатилгани эътиборни тортади. Яқинда эса Маълумотларни қайта ишлаш маркази энг замонавий технологиялар асосида жиҳозланди. Бу мақсадлар учун оз эмас, кўп эмас, 100 миллиард сўм сарфлангани ҳам амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат бериб турибди. Бундай технологик ўзгаришлар тизим фаолиятини янги босқичга кўтариши баробарида солиқ тўловчиларга қандай енгиллик ва афзалликлар яратади?

— Қўмита марказий бинолари устига ўрнатилган қуёш панеллари айна пайтда 80 фоиз электр таъминотини ўзимиз таъминлашимизга имкон берапти. Шундай кунлар бўладики, ўзимиздан орттириб, умумий тармоққа электр энергияси узатамиз. 9 қаватли янги бино қурилаётганида унинг нафақат томи, балки ташқи фасади ҳам қуёш панеллари билан қопланиди. Бундай технологияларни ҳудудлардаги солиқ идоралари биноларида ҳам қўллаш устида иш олиб боришмоқда.



Аҳоли ва бизнес вакиллари учун қўлайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ органлари фаолияти изчил рақамлаштирилмоқда. Маълумотларни қайта ишлаш маркази ана шу йўлда амалга оширилган яна бир йирик лойиҳа бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги фармониға мувофиқ, Давлат бюджетидан ажратилган 100 миллиард сўм эвазига бинолар таъмирланиб, узлуксиз электр таъминоти қурилмалари, прецизион кондиционерлар, катта ҳажмли сервер ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Бу, биринчи навбатда, ахборот тизимларининг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, солиқ тўловчиларга электрон хизматлар қўламини кенгайтириш, сифатини оширишга хизмат қилади. Чунки замонавий хизматлардан фойдаланувчилар сони жуда тез ортиб бормоқда. Биргина 2021 йилда солиқ тўловчи-

лар томонидан шахсий кабинетдан фойдаланиш сони 40,5 миллионгани (2020 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп), юборилган электрон ҳисобварақ-фактуралар 33,9 миллион (2020 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп), он-лайн назорат касса машиналари орқали рўйхатга олинган чеклар сони эса 417,4 миллионгани (2020 йилга нисбатан 4 баробар кўп) ташкил этди.

Маълумотларни қайта ишлаш марказида гиперконвергент технологияси йўлга қўйилди ва у ахборот тизимларига юклама ҳажмини серверлараро тақсимлаб, уларнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаб келмоқда. Натижада марказ қуввати 8 марта ошди, электрон хизматлар қўламини кенгайтирди. Шахсий карточкаларда сальдо қаторларини ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлар 10 баробар тезлашди. Масалан, илгари республика бўйича ҳисоблашга 24 соат кетган бўлса, эндиликда бу жараён 2-3 соатда амалга оширилмоқда. Бу яшарин иқтисодиётни қисқартиришда ҳам муҳим омили ҳисобланади.

Киберхўжумдан ҳимоя, бизнес-таҳлил технологиялари жорий қилинди. “E-jaga”, “E-imtiyoz”, “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Автоматлаштирилган камералар назорат тизими”, “Солиқ узилиши

миқдорда кешбэк қайтариш механизми жорий этилди. Агар чек 52 минг сўмга урилган бўлса, 520 сўм фуқаронинг ҳаёнига тушади. Яъни, 1 фоизи қайтарилади. (Бундан автомобиль сотиб олганлик, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, шунингдек, тўлов операторлари орқали тўловни амалга оширишда олинган харид чеклари мустасно).

Ушбу жараёнда QR-кодли чекларни “Soliq” мобил иловасини орқали рўйхатдан ўтказиб, чекларда кўрсатилган суммалар тасдиқлангандан кейин улар харидорга ўтказиб берилади. Табиийки, бу харидорларни рағбатлантиришни назарда тутди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 175 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти томонидан 207 мингта онлайн НКМ ва виртуал касса давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтказилган. Улардан 65,9 триллион сўмлик 612,9 миллионта чек онлайн равишда маълумотлар базамизга келиб тушган, шундан қўшимча қиймат солиғи суммаси 15,1 триллион сўмни ташкил этади.

Онлайн назорат-техникалари чекларнинг QR-коддини “Soliq” мобил иловасида рўйхатдан ўтказиш жорий этилгандан буён солиқлар тушуми ҳам сезиларли даражада кўпайди. Кешбэк тизими ишга тушуши туфайли 2022 йил январь ойининг ўзиди 32 миллиондан ортиқ онлайн назорат касса техникаси чеклари чоп этилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 191 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Январь ойида фуқароларга 20,9 миллиард сўм, февраль ойида эса 30 миллиард сўмдан ортиқ кешбэк тўлаб берилди.

Бу ва амалда бўлган яна бир электрон тизим жамоатчилик назоратини қулайитиришга имкон яратмоқда. Маълумки, ҳар бир тадбиркорлик пункти махсуслот сотса, QR коди бўлган физикал чек бериши шарт. Агар улар бундай чекни бермаса ёки пластик карта-

4 октябрдаги қарорига асосан, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни тақомиллаштириш ҳамда яшарин иқтисодиёт ҳажмини қисқартириш мақсадида харид суммасидан 1 фоиз



миқдорда кешбэк қайтариш механизми жорий этилди. Агар чек 52 минг сўмга урилган бўлса, 520 сўм фуқаронинг ҳаёнига тушади. Яъни, 1 фоизи қайтарилади. (Бундан автомобиль сотиб олганлик, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, шунингдек, тўлов операторлари орқали тўловни амалга оширишда олинган харид чеклари мустасно).

Ушбу жараёнда QR-кодли чекларни “Soliq” мобил иловасини орқали рўйхатдан ўтказиб, чекларда кўрсатилган суммалар тасдиқлангандан кейин улар харидорга ўтказиб берилади. Табиийки, бу харидорларни рағбатлантиришни назарда тутди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 175 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти томонидан 207 мингта онлайн НКМ ва виртуал касса давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтказилган. Улардан 65,9 триллион сўмлик 612,9 миллионта чек онлайн равишда маълумотлар базамизга келиб тушган, шундан қўшимча қиймат солиғи суммаси 15,1 триллион сўмни ташкил этади.

Онлайн назорат-техникалари чекларнинг QR-коддини “Soliq” мобил иловасида рўйхатдан ўтказиш жорий этилгандан буён солиқлар тушуми ҳам сезиларли даражада кўпайди. Кешбэк тизими ишга тушуши туфайли 2022 йил январь ойининг ўзиди 32 миллиондан ортиқ онлайн назорат касса техникаси чеклари чоп этилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 191 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Январь ойида фуқароларга 20,9 миллиард сўм, февраль ойида эса 30 миллиард сўмдан ортиқ кешбэк тўлаб берилди.

Бу ва амалда бўлган яна бир электрон тизим жамоатчилик назоратини қулайитиришга имкон яратмоқда. Маълумки, ҳар бир тадбиркорлик пункти махсуслот сотса, QR коди бўлган физикал чек бериши шарт. Агар улар бундай чекни бермаса ёки пластик карта-

қаратилди. Шунинг учун “Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида уларга янгича ишлашни ўргатиш, электрон хизматлар қамровини кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Эндиликда бу каби вазифалар доирасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

— “Солиқчи — кўмакчи” тизимининг моҳияти шундан иборатки, энг аввало, биз энди иш бошлаётган тадбиркорга биринчи қадамидан, унга қайси солиқ режими қўлай ва фойдало эканлигини танлаб беришимиз зарур. Ундан кейин эса бизнес субъектининг “ашаб кетиши”, яъни фаолият кўрсатмаётганларини қайта тиклашга, бухгалтериясини юритиши, ҳисоботларни тўлдириши ва топшириши, хуллас, нима муаммоси бўлса ҳал этиш бўйича ёрдам беришга асосий эътибор қаратилади.

Ҳар бир тадбиркорнинг саъй-ҳаракати унинг қийинчилик ва муаммоларини тушунган ҳолда, яқин кўмакчи сифатида ёндашуви тақозо этади. Шу боис, бу йўналишдаги фаолиятимиз қанча солиқ қонуничилигини бузиш аниқланди ва қўшимча солиқ ҳисобланди, деб тадбиркорни жазолашга эмас, аксинча, солиқ қонуничилиги бузилишининг нечоғлиқ камайгани ва тадбиркорларни ортиқча харажатлардан сақлаб қолишга қанча хисса қўшилганига қараб белгиланади.

Тамойил доирасида амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини таъминлаш бўйича тўрт босқич ва 9 та йўналишни қамраб олган “Ҳаракатлар режаси” тасдиқланган. Бунда тадбиркорлик субъектларига солиқ органларида мавжуд маълумотларга биноан, 21 та мезон асосида ёрдам кўрсатилади. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали — yuz.uz да “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи”

“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 1-Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқини эшитиб, хаёлим болалиқ хотираларига кетди.

Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига киришган дастлабки кунлардаёқ юртдошларимизни пахта терими-га мажбурлаб олиб чиқишни сиёсатга

— Ўзбек пахтасига қўйилган бойкот олиб ташланмаганида, тажрибали тадбиркор ҳам қийналиб қоларди. Хомашени тайёрлашнинг ўзи катта машаққат бўлса, уни қаергадир сотиш юз баробар заҳматга айланган эди. Дунё бозорларидаги харидорлар маҳсулотларимизни ёқтирса ҳам тақиқни кўрсатиб рад этарди. Пахта етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи ўринда турган Ўзбекистон энди бемалол тўқимачилик маҳсулотлари савдосида дунёда етакчи ўринга чиқа олади.



Dr. Susan M. Gorman is a professor of psychology at the University of North Carolina at Charlotte. She has a PhD in psychology from the University of North Carolina at Chapel Hill. Her research interests include the development of social skills in children and adolescents with social skills deficits. She has published numerous articles in the field of social skills training and has co-authored a book on social skills training for children and adolescents with social skills deficits.

Қизча тупроқларга ботиб, неча йиллар бу чангли кўчалардан укаларини оипчялаб ўтди. Аммо унинг олдидан бир дона ҳам конфет чиқмади. Қизчанинг онаси саккизинчи боласига ҳомиладор пайтида гўза қатор орасида сирпйиб йиқилиб тушди. Юк машинасида туғруқхонага келтирилган аёлнинг ҳомиласи ҳам, ўзи ҳам нобуд бўлди. Уша бевақт саргайиб йиқилган даракт — менинг ОНАМ. Даракт шохчаларидаги полапонлар — мен ва укаларим эдик.

Эй минг-минг чанокқа меҳрини юл-
дуз қилиб сочганлар, келажакка кучок
очганлар! Оқ пахтангиз оқлангани му-
борақ бўлсин!

ТАШАББУС

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

томор бошладди. Баланднастликлардан иборат лалми ердан шу пайтгача деярли фойдаланилмаган. Бу эса янги иш бошловчиларга маъкул келди. Мутахассис эса ажабланганича қолди. Боиси, олдин ҳам уч-тўрт кишига шу жойни кўрсатганда, жимгина ортига қайтиб кетганди-да.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ХАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Мамлакатимизда кенг ва ра­вон йўллар, мух­та­шам кўприклар, за­мо­на­вий ер ости ва ер усти йўл­ла­ри­ни қу­риш кўла­ми йил­дан-йил­га ор­тиб бор­моқ­да. Бу бо­ра­да, ай­ниқ­са, сўн­г­ги йил­лар­да ич­ки йўл­лар си­фа­ти­ни ях­ши­лаш­га ало­ҳи­да эъ­ти­бор қар­ати­лаёт­гани диққат­га са­зо­вор.

Ўт­ган йил­лар да­во­ми­да хал­қаро стан­дарт­лар­га му­во­фиқ, йўл-тран­спорт ин­фра­тузил­ма­си­ни ях­ши­лаш, за­мо­на­вий ав­то­мо­биль йўл­ла­ри қу­риш, йўл ҳа­ра­ка­ти қу­лай­ли­ги ва хавф­сиз­ли­ги­ни таъ­мин­лаш­га қар­атил­ган ти­зим­ли иш­лар амал­га о­ши­рил­ди.

Бу бо­ра­да *Прези­дентимиз­нинг 2017 йил 14 фев­рал­да­ги “Йўл хў­жа­ли­ги­ни бош­қариш ти­зи­ми­ни яна­да та­ко­мил­лаш­ти­риш чо­ра-тад­бир­ла­ри тў­ғ­ри­си­да” ҳам­да 2019 йил 9 де­каб­р­да­ги “Ўз­бе­ки­стон Рес­пуб­ли­ка­си йўл хў­жа­ли­ги ти­зи­ми­ни чуқур ис­лох қи­лиш чо­ра-тад­бир­ла­ри тў­ғ­ри­си­да”-и фар­мон­ла­ри муҳим дасту­ри­ла­мал бў­либ хиз­мат қи­лаёт­тир.*

Хўш, йўл­соз­лик бо­раси­да Тош­кент ви­ло­я­ти­да ни­ма иш­лар қи­лин­моқ­да, ўз­га­риш­лар қан­дай?

Узоғимизни яқин қилади, маблағимизни тежайди

— Сўн­г­ги йил­лар­да йўл ин­фра­тузил­ма­си­ни ривож­лан­ти­риш бо­раси­да сал­моқ­ли иш­лар амал­га о­ши­рил­ди, — дей­ди Тош­кент ви­ло­я­ти ав­то­мо­биль йўл­ла­ри бош бош­қар­ма­си бў­лим бош­ли­ги Ҳасан Ҳасан­ов. — Ҳусу­сан, ви­ло­ятимиз­да ма­в­жуд 14 минг 157 кило­метр узун­лик­да­ги йўл тар­мо­ғи­нинг қарийб 4 минг кило­метр қис­ми таъ­мир­лан­ди. Шу жум­ла­дан, А — 373 “Тош­кент — Ўш” ав­то­мо­биль йў­ли­нинг Оққў­рғон, Бў­қа, Пис­кент ва Охан­гарон ту­ман­ла­ри­дан ўтувчи 108 кило­метр қис­ми ре­кон­струк­ция қи­лин­ди. Қи­брай ту­мани ҳу­дуд­и­да 15 кило­метр узун­лик­да­ги ян­ги ав­то­мо­биль йў­ли қу­рил­ди. “Тош­кент — Чир­чиқ — Чор­боғ” ав­то­мо­биль йў­ли­нинг 9 кило­ме­три ка­питал таъ­мир­лан­ди. Шунинг­дек, ав­то­мо­биль йўл­ла­ри­да­ги 32 та ва ич­ки йўл­лар­да­ги 9 та кў­прик таъ­мир­лан­ди. Уш­бу ма­қсад­лар учун 3,7 трил­лион сўм йў­нал­ти­рил­ди.

Жорий йил­да ҳам бу бо­ра­да­ги иш­лар ти­зим­ли ра­виш­да да­вом эт­ти­ри­ла­ди. Бу­нинг учун ви­ло­ят­да яна 870 кило­метр­дан иборат ав­то­мо­биль йў­ли­ни таъ­мир­лаш­га 1,1 трил­лион сўм маб­лағ йў­нал­ти­ри­лиши ре­жа­ла­ш­ти­рил­ган.

На­ти­жа­да 263 кило­метр узун­лик­да­ги ав­то­мо­биль йўл­ла­ри ва 29 та кў­прик фой­даланиш­га топ­ши­ри­ла­ди. Ҳам­да жой­лар­да­ги 608 кило­метр ич­ки хў­жа­лик йўл­ла­ри, 21 та кў­прик таъ­мир­лан­ди.

Шу­ни ало­ҳи­да таъ­кид­лаш лозим­ки, Қи­брай, Юқори Чир­чиқ ту­ман­ла­ри­дан ўтувчи 19,2 кило­метр­лик ян­ги ав­то­мо­биль йў­ли йўл­соз­лик­нинг ил­г­ор ёндаш­ва­ри асо­си­да бар­по этил­ди.

2020 йил де­каб­р ойи­да фой­даланиш­га топ­ши­рил­ган уш­бу йўл қу­ри­ли­шининг а­ҳа­ми­ят­ли то­мо­ни шун­да­ки, ҳай­дов­чи­лар пой­тах­тимиз­дан Бўстон­лик ту­ма­ни­га бо­риш учун ай­лан­ма йўл ор­қали 20 кило­метр масо­фа­ни бо­сиб ўтар­ди. Ав­то­мо­биль йў­ли­да­ги тир­банд­лик­лар ту­фай­ли кўп вақт йўқотар, ман­зил­га, кам де­ган­да, 45-50 да­қи­қа­да етиб бор­ган. Маз­кур ав­то­мо­биль йў­ли ва Чир­чиқ дарё­си усти­дан ўт­ган ян­ги кў­прик қу­ри­ли­ши бар­ча муа­мом­лар­га ечим бўл­ди: 20 кило­метр­лик масо­фа 11 кило­метр­га, ўз-ўзи­дан йў­лга сар­ф­лана­диган вақт ҳам ик­ки кар­ра қис­қар­ди.

— Со­й­лик қиш­лоғи­да о­пам яшай­ди, шу бо­ис, у ер­га тез-тез бо­риб ту­ра­ман, — дей­ди ҳай­дов­чи Икром Ҳуж­жи­ев. — Ил­гари пой­тахт­дан уш­бу қиш­лоқ­қа етиб бор­гун­им­ча ик­ки соат­дан кў­проқ вақ­тим

ке­тар­ди. Йў­лни қис­қар­ти­риш учун Ҳаз­лент­нинг ўй­дим-чуқур кў­чалари­дан ўтиб, минг бир ма­шақ­қат билан бо­рар­дим. Эн­ди эса ян­ги кў­прик, текис ва ра­вон йўл са­баб узоғи бир соат­да ман­зил­им­га етиб ола­ман, о­пам ва жи­ян­ла­рим­ни кў­риб ке­ла­ман.

Йўлов­чи ва ҳай­дов­чи­лар учун қу­лай ша­роит яра­тиш, улар­нинг вақ­ти ва маб­ла­ғи­ни те­жаш, йўл­лар­да ҳа­ра­кат хавф­сиз­ли­ги­ни таъ­мин­лаш ма­қса­ди­да Ян­гийўл

хиз­мат қи­лмоқ­да. Хал­қаро мо­лия ин­сти­ту­т­ла­ри, ҳусу­сан, Жа­ҳон бан­ки маб­лағи иш­ти­ро­ки­да “Ма­ҳал­лий а­ҳа­ми­ят­да­ги ав­то­мо­биль йўл­ла­ри­ни ривож­лан­ти­риш” лойи­ҳа­си дои­раси­да Зан­ги­ота, Пис­кент, Урта Чир­чиқ, Тош­кент ва Ян­гийўл ту­ман­ла­ри­дан ўтув­чи 87 кило­метр узун­лик­да­ги ав­то­мо­биль йўл­ла­ри­да олиб бо­ри­лаёт­ган ка­питал

таъ­мир­лаш иш­ла­ри ни­ҳоя­си­га ет­казил­моқ­да.

Ҳозир­ги кун­да ви­ло­ят­нинг бар­ча ту­ман­ла­ри­ни қа­мраб ол­ган маз­кур лойи­ҳа­нинг ик­ки­ни бос­қичи­ни амал­га о­ши­риш жа­раё­ни бош­лан­ган. Йўл­соз­лик бо­раси­да­ги уш­бу иш­лар на­ти­жа­си­да 239 кило­метр­лик ма­ҳал­лий а­ҳа­ми­ят­да­ги ав­то­мо­биль йўл­ла­ри ка­питал таъ­мир­лан­ди. Бу а­ҳо­ли тур­муш дара­жа­си­ни о­ши­риш, тад­бир­кор­лик­ни ривож­лан­ти­риш, юк ва йўлов­чи та­шиш­да вақт ва маб­лағ те­жа­ла­ши, пи­ро­вар­ди­да, ви­ло­ят­нинг иқ­ти­со­дий-иж­тимо­ий ривож­лан­ти­ри­шига хиз­мат қи­ла­ди.

Ички йўллар таъмири йўналишида тизим йўлга қўйилмоқда

Ви­лоят ма­ҳал­ла­ла­ри, ай­ниқ­са, че­ка қиш­лоқ­лар қиё­фа­си­ни туб­дан ўз­га­ри­ти­риш, ин­фра­тузил­ма­си­ни ях­ши­лаш, а­ҳо­ли­га қу­лай­лик яра­тиш бо­раси­да­ги амалий саъй-ҳа­ра­кат­лар ай­ни вақт­да қиз­гин пал­ла­га кир­ган. Ми­со­л учун, Бў­қа ту­ма­ни­нинг энг че­ка ҳу­дуд­и бўл­ган Бў­қа ма­ҳал­ласи­да қис­қа му­ддат­да сал­моқ­ли иш­лар амал­га о­ши­рил­ди. Бу ер­да­ги ўз­га-



риш­лар бугун яққол кў­з­га та­шлан­моқ­да. Ва­ҳо­пан­ки, ич­ки йўл­ла­ри­ни таъ­мир­лаш маса­ла­си бў­ка­лик­лар­нинг энг оғ­риқ­ли муа­м­мо­си эди. Фуқаро­лар ўт­ган йил­лар да­во­ми­да бу маса­ла­да му­ро­жаат қи­ла­ве­риб чар­ча­ган­ди.

— Қарийб ил­гир­ма йил­дан бе­ри Бў­қа ту­ма­ни­да истиқо­мат қи­ла­ман, — дей­ди Ни­г­о­ра Уро­ло­ва. — На­фақат Бў­қа ма­ҳал­ласи, бал­ки ту­ма­н­нинг ак­сарият ма­ҳал­ла кў­чалари таъ­мир­талаб эди. Жур­на­лист­ман, кас­бим тақ­о­зо­си билан бу ҳақ­да бир не­ча бор чи­киш­лар қил­дим, фой­да­си бўл­ма­ди. А­ҳо­ли ҳам йил­лар да­во­ми­да ич­ки йўл­ла­ри­ни таъ­мир­лаш бо­раси­да ҳо­ким­лик ва бош­қа та­ш­ки­лот­лар­га му­ро­жаат қил­ган, би­роқ на­ти­жа бўл­ма­ган. Юр­тимиз­да сўн­г­ги йил­лар­да ин­сон қа­д­ри­ни юксал­ти­риш бо­раси­да амал­га о­ши­ри­лаёт­ган ис­лохот­лар бў­ка­лик­лар­ни ҳам чет­лаб ўт­ма­ди: кун­да­лик тур­муш­имиз­нинг дол­зарб маса­ла­лари қатори­да энг оғ­риқ­ли нуқ­та­миз — ич­ки йўл­лар носоз­ли­ги ҳам бар­тараф этил­ди.

Прези­дентимиз та­шаб­буси билан ич­ки йўл­лар таъ­ми­ри­га қар­ати­лаёт­ган ало­ҳи­да эъ­ти­бор ту­фай­ли муа­м­мо­га бар­ҳам

бе­рил­ди. Бў­қа ма­ҳал­ласи­га за­мо­на­вий тех­ни­ка­лар, юз­лаб юк ма­ши­на­ла­ри ёр­да­ми­да ҳар ку­ни тон­на­лаб кум-ша­ғал ара­лаш­ма­си кел­ти­рил­ди. Ик­ки ҳафта да­во­ми­да 12,5 кило­метр узун­лик­да­ги йўл текис­ланди. Иш куну тун, қиш­лок­нинг ҳам­ма ҳу­дуд­и бўй­лаб та­ш­кил этил­ди ва қараб­сиз­ки, ёзда чан­га белан­ган, қиш­да лой­га бот­ган ма­ҳал­ла а­ҳо­ли­нинг кўн­гли та­с­кин то­п­ди. Ўй­дим-чуқур йўл­лар фи­зил­лаб юр­са бў­ладиган текис йў­лга ай­лан­ди­қол­ди.

Тан олиб ай­тиш ке­рак­ки, ич­ки йўл­лар таъ­ми­ри бо­раси­да бу­нақа су­р­ъат ва тез­кор­лик аввал­лари уму­ман ку­за­тил­ма­ган. Муҳи­ми, ич­ки йўл­лар қу­ри­ли­ши, таъ­ми­ри бо­раси­да юр­тимиз­да ти­зим йў­лга қўйил­моқ­да.

За­мо­на­вий йўл­лар, кўр­кам кў­прик­лар, ер ости ва ер усти йўл­ла­рининг бунёд эти­лаёт­гани хал­қимиз­нинг оли­си­ни яқин қи­либ, ҳа­ра­кат хавф­сиз­ли­ги­ни таъ­мин­лаш­га хиз­мат қи­лаёт­тир.

Гу­ли­чеҳ­ра ДУР­ДИЕ­ВА,
“Ян­ги Ўз­бе­ки­стон” мух­бири

БУГУННИНГ ГАПИ

ОРАСТА ЮРТДА ФАЙЗУ БАРАКА БЎЛАДИ

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда маиший чикиндилар ҳажми аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоиз ортиб бормоқда. Ўзбекистонда эса сўнгги йилларда иқтисодий ўсish, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши туфайли бу кўрсаткич 2 фоизга етиб, йилига 7 миллион тонна чикинди ҳосил бўлмоқда.

Мамлакатимизда маиший чикиндиларни йиғиш, тўплаш ва қайта ишлаш бўйича вазият мақтагулик даражада эмас. Ҳусусан, Қорақалпоғистонда бу борадаги кўрсаткич 10 фоиз атрофида. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари жорий йилда маиший чикинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга, хусусий сектор улушини 50 фоизга етказиш вазифасини қўйган эди.

Президентимизнинг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чикиндилар билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш чо­ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Оролбўйида санитар тозалаш хизматларига жами 416 та маҳалла бириктирилиб, қамров даражаси 100 фоизга етказилди. Қаттиқ маиший чикинди йиғиш шохобчалари сони 610 тани, чикинди контейнерлари эса 773 тани ташкил этмоқда.

“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси туманлар филиалларидаги маиший чикиндиларни жойлаштириш бўйича 17 та полигонда йил бошидан 97,5 гектар, шунингдек, Нукус шаҳри ҳудудида жойлашган “Минбай Нукус” МЧЖ полигониди 36 гектар майдонда рекултивация ишлари олиб борилди. Чикиндиларни кўмишга 21 та махсус техника жалб қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат



қўмитаси топшириғига асосан, маиший чикиндини жойлаштириш учун “Тоза ҳудуд” ДУК ҳисобиди 14 та полигоннинг паспорт хужжатлари қайта ишлаб чиқилди.

— Оролбўйида шу соҳада фаолият қўрсатаётган корхоналар томонидан ўтган йили 26860,6 тонна полиэтилен, пластмасса, қоғоз, шиша, металл, техник мой, резина, оҳақтош, қурилиш, ёғоч маҳсулотлари ва бошқа чикиндилар қайта ишланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлими бошлиғи Рашид Шербеков. — Шунингдек, “Uz-Kor Gas Chemical” ва

“Кўнғирот сода заводи” кўшма корхоналари, “Taxiatosh IES” АЖ ва “Устюртгаз казичиқариш” МЧЖ саноат корхоналарида ҳосил бўлган 44,1 тонна техник мой утилизация қилиш учун “Uz-PRISTA RECYCLING” МЧЖга топширилди.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси “Тоза ҳудуд” ДУК учун жами 6 миллиард 876 миллион сўм ажрати­лиши режалаштирилмоқда. Бу маблаг эвазига контейнерлар, ташувчи ва зичловчи техника харид қилинади.

Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорлигини янада

кенгайтириш чо­ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Маиший чикинди полигонларини рекултивация қилиш ва янги полигонларни қуриш” лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. 120 миллион АҚШ доллари эвазига Қорақалпоғистонда чикинди сараланадиган 4 та полигон ва чикинди қайта юкланадиган 8 та станция қуриш кўзда тутилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш учун Тўртқўл, Кўнғирот, Қораўзақ туманлари ва Нукус шаҳридан ер ажратилди. Айни пайтда мазкур ҳудудларда чикиндиларнинг атроф-муҳитга таъсири ўрганилмоқда.

Чикиндиларни қайта юклаш станциялари қуриш учун Хўжайли, Амударё, Бе­руний, Эллиқалъа, Қонлиқўл, Мўй­ноқ, Чимбой ва Тахтакўпри туманлари ташлаб олиниб, ҳозирги пайтда лойиҳа­лаштириш ишлари олиб бори­лмоқ­да.

Албатта, атроф-муҳитни на­фақат чикиндилардан тозалаш, балки яшил қопламалар бар­по этиш­га ҳам алоҳида эътибор қарати­лаёт­тир. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси дои­раси­да Қорақалпоғистонда 2021 йил ноябрь — де­каб­р ой­ла­ри­да 6 миллион 299 минг туп дар­хат кў­чат­и экил­ди.

— 2021 йил ноябрда Нукус шаҳрининг “Жийдали Бойсуи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Яшил макон” акцияси ўтказилиб, 5 мингдан ортиқ ёш ва нуруний иштирокида 7 гектардан ортиқ майдонда “Ёшлар боғи” ташкил этилди. Ушбу боққа мевали ҳамда манзарали дар­хат кўчатлари ўтказилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлими бошлиғи Ажиниёз Бобо­жо­нов. —“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳар куни шаҳар ва туманларда кўтаринки руҳда давом эттирилиб, Қорақалпо-



➔ **ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАГИ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, “МАИШИЙ ЧИКИНДИ ПОЛИГОНЛАРИНИ РЕКУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИ ПОЛИГОНЛАРНИ ҚУРИШ” ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН. 120 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ ЭВАЗИГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЧИКИНДИ САРАЛАНДИГАН 4 ТА ПОЛИГОН ВА ЧИКИНДИ ҚАЙТА ЮКЛАНДИГАН 8 ТА СТАНЦИЯ ҚУРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

ғистон Республикаси Ўрмон хўжалиғи қўмитаси ҳамда бизнинг ташаббусимиз билан Нукус шаҳри атрофидаги А-380 магистралнинг 10 километр қисми бўйида 20 гектардан ортиқ кўмпли ерга чўл шароитига чидамли 260 мингдан ортиқ саксовул ниҳоли ўтказилди.

“Яшил макон” ягона электрон плат­формасига экилган кўчатлар бўйича ҳисобот шаклларини планшет ёрдами­да киритиш ишлари бошлаб юборил­ди. 2022 йилда мазкур умуммиллий лойиҳа доирасида баҳор мавсумида 7,5 миллион туп ва кузда 6,5 миллион

туп кўчат экиш режалаштирилган.

Шунингдек, Нукус шаҳрида 35 гек­тар­ли “Янги Ўзбекистон” боғи яратил­ла­ди. Нукус шаҳри ҳамда ҳар бир ту­ман­да бир турдаги дар­хат кўчат­лари экилган 2 тадан намунавий кўча таш­кил этишга киришилди.

Тобора гўзаллашиб, за­мо­на­вий қиёфа касб этаётган шаҳару кентлар, яшилликка бурканаётган маҳал­ла­о­вул­лар­да­ги ишлар, аввало, озодалик­дан, ора­стал­ик­дан бошланаётгани юр­тимиз­га фой­за ва обод­лик олиб кираёт­гани шубҳасиз.

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

СПОРТ УНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ

“БУГУН ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ЭЪТИБОР НАТИЖАСИДА АСИЛА КАБИ ЁШЛАР СПОРТДА ЎЗ ИМКОНИАТЛАРИНИ ИШГА СОЛМОҚДА. СПОРТ ОРҚАЛИ ЎЗ МАҚСАДИГА ЭРИШИБ, ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРМОҚДА. УЛАРДА ЯШАШГА ҚИЗИҚИШ, ОЛГА ИНТИЛИШ ҲИССИ ОРТМОҚДА.

Ҳаёт кутилмаган синовларга бой. Тақдир чиқиқлари қайга бориб ту-ташган, эртага нима бўлади, булар-ни олдиндан билишга инсон ақли ожиз. Гоҳида тўсатдан рўпарангиз-дан чиқиб қолган машаққатлар оқи-батади тўғри йўлдан адашиб кети-шингиз ҳеч гап эмас. Шундай вақтда инсон кучли ирода, матонат ва сабр-га таяниб, барчасини энгиб ўтишга қодир. Лекин бу ҳамманинг ҳам қўли-дан келавермайди. Қаршилиқ Асила Мирзаёрова эса зулматдан нур топа олди.

Оиладаги тўртинчи қиз Асила болалигидан мусиқага, пианино ча-лишга қизиқарди. Асосий вақтини Қарши шаҳридаги болалар муси-қа ва санъат мактабида пианино ча-лиш билан ўтказар, бундан ўзи завқланарди. Кейинчалик спортнинг футбол, каратэ турлари билан ҳам шугуллана бошлади. Ҳаётда қувноқ, доим ўртоқлари билан ҳазил қилиш-ни ёқтирадиган қизалоқ жуссаси би-роз кичик бўлса-да, анчагина чаққон эди.

Қарши шаҳридаги 25-умумтаълим мактабидаги тенгдошлари уни доим ҳурмат қилар, аъло баҳолари билан устозлар эътиборига ҳам тушганди. Жисмоний тарбия тўғрақларида кўпчилиққа ўрناк бўларли натижа-ларини қўлга киритишга интиларди.

Аммо инсон умри доим бир текис-да ўтмас экан. Хушчақчақ, эндигина 15 ёшга қадам ташлаган қизалоқ бир касалликка дучор бўлди-ю, кўзлари кўрмай қолди. Елиб-югуришлар, дўх-тир-табиблар, жарроҳлик амалиёт-лари наф бермади. Ота-онанинг мас-лаҳат солмаган, нажот кутмаган одами қолмади. Даволанишлардан натижа бўлмагач, Асила тушкун-ликка тушиб, ҳеч ким билан гаплаш-май қўйди, бор аламини жимликдан олишдан бошқа чора топмади.

мослашувчанлиги ошгач, уни рес-публика миқёсида ўтказиладиган мусобақага таклиф этишди. Илк бор қатнашиб, биринчи ўринни қўл-га киритди. Шундан сўнг унда ас-та-секин ўзида ишонч пайдо бўла бошлади.

Кунларнинг бирида у дадасидан ўзини мамлакат паралимпия терма жамоаси бош мураббийи олдига олиб боришини сўради. У ерда бош мураббий Сардор Абдуҳолиқов би-лан учрашди. Мураббий билан суҳ-батлашаркан, ўзини терма жамоа сафига қабул қилишларини илтимос қилди. Ёш спортчининг қатъий аҳди устозга маъқул келди. Ёш атлет у ерда мураббий кўрсатмалари ости-да узунликка сакраш бўйича шугул-лана бошлади.

Матонатдан ғалаба томон йўл

Спорт қизини ҳаётга қайтараётган-нидан мамнун ота доим унга дадла



эса у ердан медаль билан қайтиш-ни олдимга мақсад қилдим ва бунга эришдим. Юртимизга қайтгач, бизни Президентимиз қабул қилиб, бар-чамизга раҳмат айтди. Эришган на-тижаларимизни эътироф этиб, биз билан самимий суҳбатлашди. Мен учун бундан ортиқ бахт, бундан ор-тиқ муқофот бўлмаса керак. Шунинг-дек, давлатимиз раҳбари совғаси — автомашини ҳамда икки хонали уй ва 100 минг АҚШ доллари муқофот-ларини қилган меҳнатларимизнинг самараси, деб биламан.

Навбат Парижга

Айни пайтда Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси аъзоси сифатида машғулотларда иштирок этиш билан бирга, Асила Мирзаёрова Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иккинчи босқичида таҳсил олмоқда. Токиода кумуш медални қўлга киритган бўлса, 2024 йили Парижда ўтказиладиган Паралимпия ўйинларида олтин медаль эгаси бўлиш орзусида. Бунинг учун у ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборган.

— Ўтган йилги Токио Паралим-пия ўйинларида вилоятимиздан уч спортчи иштирок этиб, муносиб ўринларни қўлга киритди, — дей-ди Ўзбекистон Миллий Паралим-пия қўмитаси Қашқадарё вилояти бўлими ижрочи директори Отабек Авазов. — Жумладан, Асила Мир-заёрова кумуш медаль олган бўлса, парадзодо баҳсларида иштирок эт-ган вакилимиз Давурхон Караматов

“Инсон умри доим бир текисда ўтмас экан. Хушчақчақ, эндигина 15 ёшга қадам ташлаган қизалоқ бир касалликка дучор бўлди-ю, кўзлари кўрмай қолди. Елиб-югуришлар, дўхтир-табиблар, жарроҳлик амалиётлари наф бермади. Ота-онанинг маслаҳат солмаган, нажот кутмаган одами қолмади. Даволанишлардан натижа бўлмагач, Асила тушкунликка тушиб, ҳеч ким билан гаплашмай қўйди, бор аламини жимликдан олишдан бошқа чора топмади.



Зулматдан ёруғлик сари қадам...

Кунларнинг бирида газета варақ-лаб ўтирган отаси Убайдулла ака-нин кўзи спорт хабарларига тушди. Паралимпия иштирокчилари ҳақи-даги янгиликларни неғадир такрор-такрор ўқиди. Кўнглида қандайдир умид, юзида табассум пайдо бўлди. Шושанча кимгадир телефон қилди. У тарафдан жавоб бўлгач, узоқ суҳ-батлашди, сўнг манзилини сўради.

Эрталабки нонусташда қизига агар рози бўлса, спорт машғулотига олиб боришини айтди. Шаҳарда кўзи ожизлар спорт билан шугулланиши учун катта имкониятлар яратилгани-ни, бу борада мураббийлар фаолият юритаётганини тушунтирди. Кутил-маган бу таклифдан Асила шошиб қолди. Кўзи умуман кўрмайдиган инсон қандай қилиб спорт билан шугулланиши мумкин? Бу саволни дадасига ҳам берди. Лекин қизиди қатъият ва ишонч борлигини сезган Убайдулла ака уни спорт зали сари етаклади.

Миллий Паралимпия қўмитаси Қашқадарё вилояти бўлими мута-саддилари томонидан яхши қутиб олинган Асила Мирзаёрова тегиш-ли кўрсатмалар асосида мураб-бийга бириктирилди. Спорт маш-ғулотларида бироз иштирок этиб,

бериб турди. Аниқ мақсадни олдига қўйган Асила ҳам астойдил шугулла-на бошлади. Устозининг ҳар бир топ-шириқларини эринмасдан бажарар, гоҳида қийинчиликларга дуч келса-да, сабр ва матонат билан енишга интиларди. Кўпгина машаққатларни ениб ўтишда қаттиққўл ва меҳрибон мураббий Сардор аканинг насиҳат-лари қўл келди. Ҳар бир ҳаракатни овоз орқали англашга ўрганди. Бу орада Дубай шаҳрида ёшлар ўр-тасида Параолимпия ўйинлари бўлиб ўтадиган бўлди. Мураббий Асилани ушбу баҳсларда иштирок этишга ун-даб, ишонч билдирди.

Бу мусобақада Асила Мирзаё-рова кутилмаганда бир йўла учта олтин медални қўлга киритди. Бу эса унга катта спорт майдонлари-га кенг йўл очилганидан далолат эди. Кейинги йилда катталар ўр-тасида Индонезияда ўтказилган Параолимпия ўйинларида бронза ме-далга сазовор бўлди. Энди навбат Паралимпияда ўйинларида ишти-рок этиш эди. Бунинг учун керак-ли очколарни жамғариб, лицензия қўлга киритиш лозим. Фақат ол-динга интиладиган қиз бу мақсад-га ҳам эришди. 2021 йили Токиода ўтказиладиган Паралимпия ўйин-ларида қатнашиш имконига эга бўлди. Ўша вақтдаги қувончини таърифлаш мушкул. Бойси, спорт орқали ёшгина қизалоқда ҳаётга,

яшашга иштиёқ яна қайтганди. У дунёни қалб кўзи билан англай бошлаган эди.

2021 йил, Токио шаҳри. Пара-лимпия ўйинлари узунликка сакраш баҳсларига старт берилди. Навбат Ўзбекистон вакили Асила Мирзаёро-вага келди. Барча ҳаяжон ва ҳадик-сирашни ортда қолдириб, мураббий-нинг овозига ҳамоҳанг тарзда олға интилди. Бир, икки, уч, тўрт, беш. Беш рақамини эшитиши билан баланд-ликка кўтарилиб, олдинга интилди. Шу сониялар оралиғида мураббий-дан тортиб, бутун ўзбек муҳлисари хавотир ила, бир муддат гўё қўши-либ сакради... Оёқлар ерга тушганда ҳакамларнинг ўлчамлари 4,91 метр натижани кўрсатиб турарди. Демак, 5 метрга озгина қолди. Бу иккинчи ўрин, Паралимпиянинг кумуш меда-ли нақд бўлганини аниқларди.

Мамлакат терма жамоаси сафи-да юртга қайтаркан, параенгил атле-тикачимизнинг ҳаяжони чексиз эди.

— Ростини айтсам, спорт мени ҳаётга қайтарди, — дейди Асила Мирзаёрова. — Дастлаб дадам спортга етаклаб келганда роса кўр-қандим. Қандай қилиб кўзи кўрмай-диган одам спорт билан шугуллана оларкан, деган хавотир бор эди. Лекин аниқ мақсад сари қўйилган қадам барчасини ортда қолдирди. Аввалига Паралимпия ўйинларида иштирок этишни кўзлагандим. Кейин


иккинчи ўриндан жой олди. Пауэр-лифтинг йўналишида иштирок этган спортчимиз Нуриддин Давлатов эса тўртинчи бўлди. Ўзбекистон Прези-дентининг 2021 йил 18 майдаги “Па-ралимпия ҳаракатини ривожланти-ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъ-минлаш мақсадида Қарши шаҳрида паралимпия спорт маркази ташкил этилди. Бундан мақсад жисмоний имконияти чекланган ва ногиронли-ги бўлган шахсларда спорт билан шугулланиш қобилиятини аниқлаш, уларни машғулотларга жалб этиш, спорт захираси ва юқори маҳорат-ли спортчиларни тайёрлаш. Бунинг учун бизда барча шароит яратилган. Айни пайтда спортчиларимиз шу йил Хитойнинг Хонжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Параолимпия ўйинларида иштирок этишга ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, Асила ҳам ушбу мусоба-қада иштирок этади.

Бугун имконияти чекланган ин-сонлар учун яратилган шарт-ша-роитлар ва эътибор натижасида Асила каби ёшлар спортда ўз имко-ниятларини ишга солмоқда. Спорт орқали ўз мақсадига эришиб, ор-зу-умидларини рўёбга чиқармоқда. Уларда яшашга қизиқиш, олға инти-лиш ҳисси ортмоқда.

Акбар ҒОЗИЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯШИЛ МАКОН

Бугун мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз раислигида экологик ҳолатни яхшилаш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда мавжуд ҳолат танқидий таҳлил қилиниб, устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди. Лойиҳа доирасида 200 миллион туп дарахт ва бута қўчатлар экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш кўзда тутилган.



ДАРАХТ ЭКИШ — ЭЗГУ АМАЛ

Мирзамақсуд АЛИМОВ, Андижон вилояти бош имом-хатиби

Ушбу ташаббус доирасида Андижон вилоятда ҳам дадил қадамлар ташлан-моқда. Қўчатларни етиштириш, экиш ва парваришлаш, тизимли суғориш ишлари-да масъулларни тайинлаш бўйича аниқ ва манзилли вазифалар белгиланди. Яшил ҳудудларни кенгайтириш, экологик ҳолат-ни яхшилаш бўйича ҳудудлар кесимида яшил майдон ва яшил жамоат боғлари ташкил этилмоқда.

Биргина Андижон шаҳрида 1,98 гектар майдон қўқаламзорлаштирилмоқда. Шу йил “Чўлпон” боғида 1 гектар, “Нодира-бегим” боғининг 3,5 гектар ерида яшил жамоат майдонларини ташкил этиш иш-лари бошланди.

Муқаддас динимизда ҳам қўчат экиш улуг ва савобли амаллардан ҳисобла-ниб, ерни обод қилиш масаласига ало-ҳида эътибор қаратилган. Экилган қўчат ва ўсимликлар доимо Аллоҳ таолога тас-беҳ айтиб туради. Қўчат экаётган киши нафақат ўзига, балки ён-атрофдагилар, келажак авлодга ҳам манфаат етказади. Бу амал экувчига нафақат тириклигида, балки вафотидан сўнг ҳам савоб етиб ту-ришига сабаб бўлади.

Шу ўринда Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифла-рини ёдга олсак: Анас ибн Молик ро-зияллоху анҳудан шундай ривоят қили-надики, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Агар қиёмат қойим бўлиб қол-са-ю ва шу вақтда биронтанинг қўлида ҳурмо қўчати бўлса, уни экишга улгурса, экиб қўйсин”, дедилар.

Баҳор мавсуми зироат, қўчат экиш фаслидир. Айни дамда биз, диний соҳа ҳодимлари ҳам “Яшил макон” умуммил-лий лойиҳаси доирасида Андижон вилоя-тидаги барча масжидларга, мадраса, қа-бристон ва зиёратгоҳларга минглаб дарахт



қўчатлари экиб, юртимизнинг яшил макон бўлиши учун ўз ҳиссамизни қўшмоқда-миз. Жумладан, шу кунга қадар 4 мингдан ортиқ мевали ҳамда 3 мингдан ортиқ манзарали дарахтлар экилди.



Қувонарлиси шундаки, Балиқчи, Булоқ-боши, Марҳамат, Жалақудуқ, Оптиқўл, Қўргонтепа, Хўжаобод, Улуғнор, Избос-қан, Пахтаобод, Шаҳрихон туманларида экилган қўчатлар япроқ ёзиб, мевалилари гуллаб улгурди.



Қишин-ёзин яшил тусда бўлган Хоно-бод шаҳри аҳли ободонлаштириш, қў-қаламзорлаштириш ишларини доимий вазифа деб билади. Шаҳарнинг Юкса-лиш ва Истиклол маҳаллаларидаги яшил майдонлар адирлик жойда бўлганлиги сабабли томчиллатиб суғориш йўлга қў-йилди.

Экилган қўчатлар юртимизни обод, ша-ҳар ва қишлоқларимизни кўркем қилиб-гина қолмай, тоза ҳаво, покиза сув билан таъминланишимизда муҳим омилидир. Бу йўналишда диний соҳада ҳам қатор режалар, устувор вазифалар белгилаб олинган. 2022 йил 1 март кунини Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенга-шининг Баёноти қабул қилинди. Унда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси-нинг ҳаётимизда тутган ўрни, динимизда қўчат экиш, боғ яратишнинг фазилатлари, юртни обод қилишга бериладиган ажру муқофотлар тўғрисида батафсил маъ-лумотлар бор.

Ҳисоб-китобларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кейин-ги беш йилда республикаимизда бир мил-лиард туп қўчат экилади. Келажакда ушбу қўчатларнинг 80 фоизи, яъни 800 миллио-ни ўсиб ривожлansa, аҳоли жон бошига 20 тупдан зиёд дарахт тўғри келар экан. Бу атмосфера ҳавосининг кислород билан тўйинишига, турли қум, туз бўронлари-нинг, тупроқ емирилишлари, сел келиши, қор қўчишининг табиатимизга салбий оқи-батларини сезиларли даражада камайи-шига ҳисса қўшади, иншааллоҳ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 873

88991 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳих: Рўзиқул Очилов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўлотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:08 Топширилди — 02:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz